

ЎРТА ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ОҚИМИНИНГ ЙИЛ ВА ФАСЛЛАРИ БҮЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИНИ БАХОЛАШ

Қуролов Достон Илхомиддин ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Магистранти

Аннотатсия; Дарёлар оқимининг йил фасллари бўйича тақсимланишини ўрганиш гидрологияда асосий амалий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, мазкур йўналишдаги изланишлар ва тадқиқотларнинг натижалари халқ ҳўжалиги турли тармоқларининг сув таъминотида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, қўйида Ўрта Зарафшон дарёси оқимининг йил фасллари бўйича тақсимланишини кўриб чиқамиз [7, 8, 12].

Калит сузлар: Дарё, гидрологик пост, дарё оқими, тулин сув даври, дарёлар ва сойлар, ҳаво ҳарорати, атмасфера ёғинлари, ўзгаришлари фарқи.

Кириш: Бизга маълумки Республикализнинг жанубий ҳудудларида ёз ойларида ҳаво ҳарорати юқори бўлади, шу сабабли экинларнинг сувга бўлган талби ортади. Шундай вақитда экинларни сув билан таъминлаш мавжуд сув омборлар ва дарёлар хиссасига тўғири келади. Иқлимининг кескин ўзгариши мавжуд экин майдонларни вегитатсия даврида сув этишмаслиги келиб чиқмоқда. Бу эса мавжуд дарёлар манбалари қор ва музликларнинг камайиши билан ҳам боғлиқdir.

Дарё ҳавzasига ёғадиган ёғинлар фақат ёмғир кўринишида ёғса, дарё оқими уларнинг йил давомида фасллар бўйича тақсимланишини такрорлайди. Лекин, биз ўрганаётган дарёлар ва сойлар ҳавзаларига ёғадиган ёғинларнинг асосий қисми йилнинг совуқ даврларига тўғри келади. Бу вақтда ер сиртида намликнинг катталиги тупроқ-грунтларга бўладиган шимилишни камайтиrsa, ҳаво ҳароратининг пастлиги эса дарё ҳавзасидан бўладиган ялпи буғланиш миқдорини камайтиради. Дарёлар ҳавзаларида йилнинг совуқ даврларида кузатиладиган бу жараён, ўз навбатида, дарёлар ҳавзаларида оқим коэффициентларнинг юқори бўлишини таъминлайди. Йилнинг илиқ ярим йилликларида эса юқоридагиларнинг акси кузатилади [15-17, 19].

Йилнинг совуқ ярим йилликларида дарёлар ва сойлар ҳавзаларига ёғадиган ёғинларнинг маълум қисми қор кўринишида ёғса, улар ер сиртида тўпланиб, мавсумий барқарор қор қопламини ҳосил қилади. Қор қоплами фақат ҳаво ҳарорати илигандагина эрийди ва улардан дарёлар оқими ҳосил бўлади. Агар уларнинг тўйинишида бошқа манбаларнинг ҳиссаси унча катта бўлмаса, бундай дарёларда оқимнинг 70-90 фоизи қишининг охири ва баҳор фаслларига тўғри келади.

Дарёниг тўйинишида ер ости сувларининг ҳиссасининг катта бўлиши, шу дарё оқимининг йил давомида фасллар бўйича бир маромда тақсимланишига сезиларли таъсир этади [15]. Лекин, биз ўрганаётган Ўрта Зарабшон дарёлари ва сойларининг тўйинишида ер ости сувларининг ҳиссалари катта эмас. Қуйида Ўрта Зарабшон дарёлари ва сойлари оқимининг йил давомида фасллар бўйича тақсимланишин ўрганишни ҳисоблаш ва уларнинг чизмаларини чизиш орқали амалга оширамиз.

Дарёлар оқимининг кам сувли йилларда фасллар бўйича тақсимланиши, $10^6 \text{ м}^3/\%$



Т/р	Дарё – кузатиш жоий	Йил	Қишиш	Баҳор	Ёз	Куз	Йил-Лик
1	Ургутсой - Ургут ш	1977	$\frac{1,27}{9,89}$	$\frac{3,25}{31,38}$	$\frac{0,42}{42,18}$	$\frac{0,52}{16,97}$	$\frac{5,46}{100}$
2	Омонқўтонсой - Омонқўтон қ.	2008	$\frac{2,15}{19,7}$	$\frac{3,50}{32,9}$	$\frac{3,18}{29,22}$	$\frac{2,11}{19,02}$	$\frac{11,09}{100}$
3	Оқдарё - Оғалиқ қ.	2001	$\frac{4,42}{37,16}$	$\frac{6,09}{51,29}$	$\frac{0,52}{4,41}$	$\frac{0,84}{7,1}$	$\frac{11,86}{100}$
4	Сазагансой-Сазаган қ.	2000	$\frac{1,11}{32,04}$	$\frac{2,17}{62,61}$	$\frac{0,05}{1,13}$	$\frac{0,13}{3,77}$	$\frac{3,46}{100}$
5	Тегирмонсой-Сагишимон қ.	1966	$\frac{0,1}{12,77}$	$\frac{0,39}{46,18}$	$\frac{0,18}{19,62}$	$\frac{0,17}{20,41}$	$\frac{0,84}{100}$
6	Тусунсой - Қуйилиши	2001	$\frac{5,06}{45,8}$	$\frac{3,26}{29,5}$	$\frac{0,72}{6,5}$	$\frac{2,08}{18,8}$	$\frac{11,04}{100}$
7	Оқтепасой - Оча қ.	1975	$\frac{0,55}{13,21}$	$\frac{3,29}{79}$	$\frac{0,18}{4,32}$	$\frac{0,15}{3,6}$	$\frac{4,17}{100}$
8	Қорағачсой-Мавлон қ.	2001	$\frac{0,55}{21,4}$	$\frac{0,93}{36,1}$	$\frac{0,58}{22,5}$	$\frac{0,51}{20,0}$	$\frac{2,57}{100}$
9	Майдонсой-Олмата қ.	2001	$\frac{1,26}{28,5}$	$\frac{1,72}{38,9}$	$\frac{0,73}{16,54}$	$\frac{0,65}{14,72}$	$\frac{4,41}{100}$
10	Бегларсой-Янги Оқчоб қ.	2001	$\frac{1,07}{28,3}$	$\frac{2,23}{58,99}$	$\frac{0,34}{9}$	$\frac{0,13}{3,44}$	$\frac{3,77}{100}$

Зарабшон ҳавзасининг Ўзбекистон қисмида шакланадиган, яъни Ўрта Зарабшон дарёлари ва сойлари оқимининг йил давомида фасллар бўйича тақсимланиши экстремал сувли йиллар учун ҳисобланди. Дастреб дарёлар

оқимининг кам сувли йилларда фасллар бўйича тақсимланишини аниқлашга оид ҳисоблашлар натижаларини таҳлил қиласиз келади (1-жадвал).

Аввало шу нарсани таъкидлаш лозимки, биз ўрганаётган дарёлар сув тўплайдиган ҳавзалар деярли бир хил табиий географик шароитларга эга бўлган ҳудудларда жойлашган. Лекин, шунга қарамасдан, уларда кам сувли йиллар турли календарь йилларга мос келади. Таҳлилларга кўра, фақатгина Омонқутонсой билан Оқдарёда кам сувли йил бир хил бўлиб, 2001 йилга тўғри келади (1-жадвал).

Аниқланган кам сувли йилларда дарёлар оқимининг фасллар бўйича тақсимланишини ўзаро солиштириш мақсадида оқимнинг фасллар бўйича тақсимланиш диаграммасини таҳлил қилиб чиқамиз (1-расм).



1-расм. Кам сувли йилларда дарёлар оқимининг фасллар бўйича тақсимланиши

Макола ишини бажариш давомида, юқоридаги диаграммаларда кўзга ташланадиган ва ўрганилаётган дарёлар учун умумий бўлган энг асосий ухшашлик, бу уларнинг барчасида баҳорги оқим микдорининг бошқа фаслларга нисбатан анча катта эканлигидир. Уларнинг нисбий қийматлари

32,9%-79% оралиқда ўзгаради. Биз ўрганилаётган дарёлар ичидә Омонқұтонсойда кам сувли 2008 йилда йиллик оқим міқдорининг нисбий қийматлари деярли бир маромда тақсимланғанлыги билан ажралып туради. Жумладан, ушбу дарё йиллик оқимининг 19,7% қисми қишига, 32,9%и баҳорга, 29,2%и ёзга ва 19,12% қисми эса күзға түғри келади. Оқдарёда дарёстда эса, оқимнинг фасллар бүйича тақсимланиш диаграммаси Омонқұтонсойға нисбатан кескин фарқ қилди. Бу дарёда баҳорғи оқимнинг йилликка нисбатан 51,29 % ни ташкил этишининг ўзи фикримизнинг ёрқын далилидир. Ишимиз давомида, ўрганаётган дарёларимизда Сазағансой, Тегирмонсой, Оқтепасой, Қорағачсой, Майдонсой ва Бекларсойда, кам сувли йилларда, оқимнинг фасллар бүйича тақсимланиши Оқдарё учун олинган натижаларни тақрорлади. Шунинг учун қайта таҳлил қилмадик.

Макола ишини бажариш ишининг кейинги босқичида, ўрганилаётган дарёлар оқимининг йил давомида турли фасллар бүйича тақсимланишини міқдорий баҳолашга оид ҳисоблашлар Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги дарёлар ва сойлар учун аниқланған ўртача сувли йиллар мисолида тақрорланды. Ўрганилаётган дарёларда, танлаб олинған ҳисоб даврида, ўртача сувлилик турли йилларға мос келди (1.1-жадвал).



1.1-жадвал

**Дарёлар оқимининг ўртача сувли йилларда фасллар
бүйича тақсимланиши, $10^6 \text{ м}^3 / \%$**

T/p	Дарё – кузатиши жойи	Йил	Қиши	Баҳор	Ёз	Куз	Йил- Лик
1	Ургутсой- Ургут ш.	2011	$\frac{1,35}{19,24}$	$\frac{2,82}{40,17}$	$\frac{1,08}{15,38}$	$\frac{1,76}{25,07}$	$\frac{7,02}{100}$
2	Омонқұтонсой - Омонқұтон қ.	2000	$\frac{10,11}{30,52}$	$\frac{12,3}{37,14}$	$\frac{5,77}{17,41}$	$\frac{4,8}{14,49}$	$\frac{33,12}{100}$
3	Оқдарё- Оғалиқ қ.	1998	$\frac{10,84}{29,99}$	$\frac{19,69}{54,38}$	$\frac{3,41}{9,44}$	$\frac{2,2}{6,08}$	$\frac{36,15}{100}$
4	Сазағансой- Сазаған қ.	1968	$\frac{2,37}{20,47}$	$\frac{7,77}{67,06}$	$\frac{0,85}{7,55}$	$\frac{0,59}{5,09}$	$\frac{11,58}{100}$
5	Тегирмонсой- Сағишимон қ.	1959	$\frac{1,08}{11,31}$	$\frac{7,43}{77,92}$	$\frac{0,72}{7,22}$	$\frac{0,36}{3,54}$	$\frac{9,46}{100}$
6	Тусунсой - Қүйилиши	2009	$\frac{5,88}{12,89}$	$\frac{25,9}{56,9}$	$\frac{6,63}{14,6}$	$\frac{7,2}{15,82}$	$\frac{45,41}{100}$
7	Оқтепасой - Оча қ.	2010	$\frac{1,80}{22,74}$	$\frac{4,86}{61,36}$	$\frac{0,77}{9,72}$	$\frac{0,43}{5,43}$	$\frac{7,92}{100}$

8	Қарағачсой-Мавлон қ.	2015	$\frac{2,51}{22,88}$	$\frac{4,96}{45,22}$	$\frac{2,01}{18,32}$	$\frac{1,48}{13,5}$	$\frac{10,97}{100}$
9	Майдонсой-Олмаота қ.	1997	$\frac{1,84}{11,67}$	$\frac{10,31}{65,38}$	$\frac{2,53}{16,05}$	$\frac{0,97}{6,16}$	$\frac{15,77}{100}$
10	Бегларсой-Янги Оқчоб қ.	2012	$\frac{4,41}{22,19}$	$\frac{9,5}{47,8}$	$\frac{3,39}{17,07}$	$\frac{2,32}{11,67}$	$\frac{19,87}{100}$

Кам сувли йиллардаги каби, ўртача сувли йилларда ҳам ўрганилаётган барча дарёларда оқимнинг асосий қисми баҳорда оқиб ўтади. Лекин, ўртача сувли йилларда баҳорги оқимнинг йиллик оқимга қўшган улушлари кам сувли йилларга нисбатан ортиб, $37,14\div77,92\%$ оралиқда ўзгаради (1.1-расм).



1.1-расм. Ўртача сувли йилларда дарёлар оқимининг фасллар бўйича тақсимланиши

Эътиборли жойи шундаки, ўрганилаётган дарёлар орасида Омонқутонсой қишки оқими миқдорининг катталиги ($30,52\%$) билан ажралиб турди. Шунингдек, Омонқутонсой ва Бегларсойда, бошқа дарёлардан фарқли равишда, ёз ва куз фаслларида оқим миқдори кескин камайиб, йиллик оқимга нисбатан атиги $14,49\div17,41\%$ оралиқда ўзгарди. Қолган дарё ва сойларда ҳам бу қийматлар тақрорланди.

Макола ишининг кейинги босқичида, биз ўрганаётган дарёлар оқимининг кўп сувли йилларда фасллар бўйича тақсимланиши ўрганилди ва бу жараён, ўзига хослиги билан ажралиб турди. Кўп сувли йилдаги тақсимланиш юқорида ўрганган кам сувли ва ўртacha сувли йиллардан анча фарқ қиласди. Биринчи навбатда, айтиш лозимки, кўп сувлилик Оқдарё билан Бегларсойда бир хил, яъни 1993 йилга тўғри келган бўлса, қолган дарёлардаги кўп сувли йиллар ўзаро фарқ қиласди. Жумладан, биз ўрганаётган ҳисоб даври, яъни 1954-2020 йиллар оралиғида, Ургутсой ва Сазағансойда 1969 йил, Омонқутонсой 2019 йил, Тегирмонсойда 1964 йил, Тусунсойда 2000 йил, Оқтепа ва Қорағачсойда 2009 йил, Майдонсойда 1998 йил, Бегларсойда эса 1993 йил кўп сувли бўлган. Барча дарёларда кўп сувли йиллардаги баҳорги оқим миқдорлари бошқа фаслларга нисбатан катталиги билан ажралиб туради. Баҳорги оқим миқдорининг энг катта нисбий қиймати (93,79%) Тегирмонсойга тўғри келса, энг кичик қиймати (36,35%) Тусунсойда қайд этилди (1.2 -жадвал).



1.2-жадвал

Дарёлар оқимининг кўп сувли йилларда фасллар
бўйича тақсимланиши, $10^6 \text{ м}^3/\%$

Т/р	Дарё – кузатиш жойи	Йил	Қишлоғи	Баҳор	Ёз	Куз	Йил- Лик
1	Ургутсой- Ургут ш.	1969	$\frac{2,28}{5,43}$	$\frac{31,71}{75,54}$	$\frac{5,7}{13,58}$	$\frac{2,28}{5,44}$	$\frac{41,98}{100}$
2	Омонқутонсой- Омонқутон қ.	2019	$\frac{8,52}{13,5}$	$\frac{36,73}{58,21}$	$\frac{15,36}{24,34}$	$\frac{2,49}{3,94}$	$\frac{63,10}{100}$
3	Оқдарё- Оғалик қ.	1993	$\frac{24,44}{25,7}$	$\frac{56,6}{59,4}$	$\frac{8,44}{8,9}$	$\frac{5,72}{6,0}$	$\frac{95,2}{100}$
4	Сазағансой- Сазаған қ.	1969	$\frac{2,39}{9,06}$	$\frac{21,93}{83,13}$	$\frac{1,36}{5,14}$	$\frac{0,71}{3,27}$	$\frac{26,39}{100}$
5	Тегирмонсой- Сағишимон қ.	1964	$\frac{0,61}{2,98}$	$\frac{19,2}{93,79}$	$\frac{0,55}{2,68}$	$\frac{0,11}{0,55}$	$\frac{20,47}{100}$
6	Тусунсой - Қуйилиши	2000	$\frac{25,34}{212,36}$	$\frac{74,53}{36,35}$	$\frac{62,09}{30,28}$	$\frac{43,57}{21,24}$	$\frac{205,01}{100}$
7	Оқтепасой - Оча қ.	2009	$\frac{2,7}{10,99}$	$\frac{19,68}{80,1}$	$\frac{1,54}{6,27}$	$\frac{0,24}{2,2}$	$\frac{24,45}{100}$
8	Қорағачсой - Мавлон қ.	2009	$\frac{6,08}{22,48}$	$\frac{16,72}{61,8}$	$\frac{2,76}{10,2}$	$\frac{1,7}{5,51}$	$\frac{27,05}{100}$
9	Майдонсой- Олмаота қ,	1998	$\frac{5,79}{13,5}$	$\frac{29,14}{67,94}$	$\frac{6,27}{14,61}$	$\frac{1,6}{3,74}$	$\frac{42,89}{100}$

10	Бегларсой-Янги Оқчоб қ.	1993	$\frac{9,48}{19,7}$	$\frac{31,56}{65,6}$	$\frac{4,48}{9,3}$	$\frac{2,59}{5,4}$	$\frac{48,11}{100}$
----	-------------------------	------	---------------------	----------------------	--------------------	--------------------	---------------------

Макола ишида, биз ўрганаётган дарё ва сойларда кўп сувли йилларда дарёлар оқимининг йил фасллари бўйича тақсимланиш диаграммасида ҳам, юқоридаги ҳолатлар каби, умумий ўхашашлик мавжуд. Ушбу ўхашашлик, биринчидан, ўрганилаётган барча дарёларда баҳорги оқим миқдорининг бошқа фаслларга нисбатан анча катта эканлигига, иккинчидан эса, қиши оқим миқдорларининг ёз ва куз фаслларига нисбатан бироз кўп бўлишида акс этади (1.2-расм).



1.2-расм. Кўп сувли йилларда дарёлар оқимининг фасллар бўйича тақсимланиши

Шунингдек, биз ўрганаётган дарёлар ва сойларда, юқорида қайд этилганидек, кўп сувли йилларда ҳам баҳорги оқим миқдори бошқа фасллардагига нисбатан сезиларли даражада катта эканлиги билан ажралиб туради. Кўп сувли йилларда биз кўриб чиқаётган дарёлар оқимининг

36,35÷93,79% қисми баҳорда оқиб ўтди. Шунингдек, барча ўрганаётган дарёларда фасллар бўйича оқим микдорлари нисбий қийматларининг баҳордан ёз ва куз фаслларига қараб, бир меъёрда, камайиб борганини кўрдик (1.2-расм).

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари йиллик оқимининг асосий қисми (60-85%) баҳор фаслининг март-апрель ойларида оқиб ўтади. Ҳисоблашлар натижаларига кўра, Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари ва сойларида, аксарият ҳолларда максимал оқим микдорлари март ойига тўғри келди.

АДАБИЁТЛАР:

1. А.Р. Расулов, Ф.Ҳ.Хикматов, Д.П. Айтбаев Гидрология асослари. Тошкент “Университет” 2003, 327 б
2. Расулов А.Р., Хикматов Ф.Ҳ., Умумий гидрология. –Тошкент: “Университет”, 1995. - 175 б
3. С.Каримов, А.Акбаров, Жонқобилов Гидрология, гидрометрия ва оқим ҳажмини ростлаш дарслик Т. Ўқитувчи, 2004-230б
4. Хикматов Ф.Ҳ. Водная эрозия и сток взвешенных наносов горных рек Средней Азии. –Ташкент: «Фан ва технология», 2011. – 248 с.
5. Ҳикматов Ф.Ҳ., Ҳайдаров С., Ярашев К.С., Ширинбаев Д.Н., Зияев Р.Р., Эрлапасов Н.Б., Ганиев Ш.Р. Зарафшон ҳавзасининг гидрометеорологик шароити ва сув ресурслари. -Ташкент.: «Фан ва технология», 2016. - 276 б.